

ИЛОВА

Коррупцияга оид хукуқбузарликлар ҳакида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ишчи-ходимларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ коррупцияга оид хукуқбузарликлар ҳакида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ишчи-ходимларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида” 2018 йил 8 январдаги 15-сон қарори талаблари ушбу Низом билан тартибга солинадиган муносабатларга татбик этилмайди.

3. Ушбу Низомда кўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:  
**коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳакида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ишчи-ходимлар** – бош директор ўринbosарлари, бўлим бошликлари, хизмат бошликлари, участка бошликлари, мухандис-техник ходимлар, ишчилар, хизматчилар;

**коррупцияга қарши курашишда фаол иштирок этиш** – тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳакида хабар бериш;

**коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашиш** – коррупцияга оид жиноятларни фош этишда ахамиятга эга бўлган далиллар ҳакида хабар берган;

**коррупцияга оид маъмурий хукуқбузарликлар** – Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 61<sup>1</sup>, 193<sup>1</sup> ва 193<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган хукуқбузарликлар;

**коррупцияга оид жиноятлар** – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддасининг иккинчи қисми “г” банди, 168-моддасининг учинчи қисми “в” банди, 192<sup>9</sup> ва 192<sup>10</sup>, 205, 209-214-моддалари, 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган холда содир этиш ҳамда 301-моддасида кўрсатилган жиноатлар.

4. Кўйидагилар коррупцияга оид хукуқбузарликлар ҳакида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ишчи-

ходимларни рағбатлантиришнинг (кейинги ўринларда рағбатлантириш) асосий вазифалар ҳисобланади:

Корхонада коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш;

Коррупцияга оид жиноятларнинг барвакт профилактикасини таъминлаш, бунга имкон берадиган шарт-шароитларни ўз вактида аниглаш ва бартараф этиш;

Ишчи-ходимларнинг коррупцияга қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш ҳамда уларни ушбу соҳага кўшаётган ҳиссаси учун муносиб тақдирлаш.

5. Рағбатлантириш қонунийлик, адолатлилик, холислик, ошкоралик, ишчи-ходимларнинг хуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва хоҳиш истакларини ҳисобга олиш принциплари асосида амалга оширилади.

6. Рағбатлантириш бир марталик пул мукофоти шаклида белгиланади.

## **2-боб. Коррупцияга оид хуқуқбузарлик ҳакида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ишчи-ходимларни рағбатлантириш асослари ва турлари**

7. Коррупцияга оид хуқуқбузарлик ҳакида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ишчи-ходимлар кўйидаги асослардан бири мавжуд бўлган бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади;

Корхона ходими ўзига нисбатан пора беришни таклиф этган ёки пора талаб килган ходим ҳакида ёхуд ўзига маълум бўлган коррупцияга оид хуқуқбузарлик ҳакида Комплаенс ва коррупцияга қарши кураш хизмати бошлиғига берган хабари асосида хуқуқбузарлик фош этилиши.

8. Коррупцияга оид хуқуқбузарлик ҳакида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ишчи-ходимлар кўйидаги микдордаги бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантирилади:

пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк учун-базавий ҳисоблашнинг ўн бараваригача;

хар хил таснифдаги икки ва ундан ортиқ коррупцияга оид жиноятлар ҳакида хабар берганлик учун ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигидан келиб чиқиб оғиррок таснифи бўйича базавий ҳисоблаш микдорининг 20 бараваригача;

бир хил таснифдаги икки ва ундан ортиқ коррупцияга оид жиноятлар ҳакида хабар бергани учун базавий хисоблаш микдорининг ўн беш бараваригача рағбатлантирилади.

9. Ишчи-ходим коррупцияга қарши курашишга муносиб ҳисса кўшганлиги учун конун хужжатларига мувофиқ давлат мукофотига ҳам тавсия этилиши мумкин.

10. Куйидаги қарорлардан бири қабул қилингандан сўнг рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилади:

Коррупцияга оид хукуқбузарликлар бўйича жиноят ишлари юзасидан суднинг айблов ҳукми ёки маъмурий ишлар бўйича суднинг қарори конуний кучга кирганда;

Ўзекистон Республикаси Жиноят-процесуал кодексининг 84-моддаси биринчи қисмининг 1-3-бандлари, учинчи қисми ҳамда бешинчи қисмининг 1-банди асосида айборлик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш ҳакидағи карор прокурор томонидан тасдиқланганда ёки суднинг ажрими конуний кучга кирганда.

11. Коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳакида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ишчи-ходимларни рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар корхона маблағлари хисобидан амалга оширилади.

### **3-боб. Коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳакида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш тартиби**

12. Коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳакида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ишчи-ходимларни рағбатлантириш масаласи Комплаенс ва коррупцияга қарши кураш хизмати ва Махсус тузилган комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

13. Тақдимномага рағбатлантириш учун асос бўлувчи куйидаги хужжатлар илова қилинади:

рўйхатдан ўтган ариза нусхаси ёки оғзаки берилган хабарни тасдиқловчи маълумотлар;

суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки айблов ҳукми нусхаси;

14. Комплаенс ва коррупцияга қарши курашиш хизмати тақдимномаси ва унга илова қилинган асословчи хужжатлар рағбатлантириш учун асос юзага келган кундан бошлаб уч иш куни ичida Махсус комиссиясига тақдим этилади.

15. Махсус комиссия томонидан рағбатлантиришга оид хужжатлар олинган кундан бошлаб беш иш куни ичida тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқлиги, асослилиги ҳамда ушбу Низом талабларига қилинганлиги кўриб чиқилади.

**16.** Рағбатлантириш учун тақдим этилган хужжатлар түлик эмаслиги ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилинмаганлиги аниқланган тақдирда, икки иш куни ичида қайтарилади.

Қайтарилиш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, тегишли хужжатлар ушбу Низом талаблари асосида рағбатлантириш учун кайта тақдим этилиши мумкин.

**17.** Рағбатлантириш бўйича маҳсус комиссия томонидан чиқарилган қарор уч иш куни ичида тақдимномани киритган Комплаенс ва коррупцияга қарши кураш хизматига ижро учун юборилади.

**18.** Маҳсус комиссия қарор қонунийлиги, холислиги ҳамда ишчи-ходимнинг шахсига оид маълумотлар ошкор этилмаслиги учун шахсан жавобгар хисобланади.

**19.** Комплаенс ва коррупцияга қарши кураш хизмати маҳсус комиссиянинг қарори асосида бир иш куни ичида бир марталик пул мукофоти билан тақдирлаш ҳақида қарор чиқаради.

Бир марталик пул мукофоти харажатлар сметасига ўзгартириш киритилгандан сўнг ўн иш куни ичида ишчи-ходимнинг шахсий ойлик иш ҳаки ўтказиладиган пластик картасига ўтказилиб берилади.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

**20.** Рағбатлантирилган коррупцияга оид ҳукукбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ишчи-ходимларининг хисоби Комплаенс ва коррупцияга қарши кураш хизмати томонидан юритилади.

**21.** Коррупцияга оид ҳукукбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ишчи-ходимлар, уларнинг оила аъзолари ва якин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш максадида улар ҳакидаги маълумотлар конун хужжатларида белгиланган талаблар асосида ошкор этилиши мумкин.

**22.** Коррупцияга оид ҳукукбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган ишчи-ходимлар, уларнинг оила аъзолари ва якин қариндошларини химоя килиш конун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**23.** Ушбу Низом талабларини бузилганлигига айбдор бўлган шахслар конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.